

ОНА ТИЛИ-ЭНГ МУҲИМ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Абдуллаев Ж., ГулДУ доценти

Она тили миллатнинг энг муҳим қадриятидир. Зеро, она тилисиз миллатнинг бўлиши мумкин эмас. Ватаннинг, миллатнинг номи шу халқ тили билан атилиши ҳам шуни кўрсатиб турибди. Шунинг учун она тилини эъзозлаш, уни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунда она тили, тилшунослик фанларини ўқитувчилар зиммасига катта масъулият тушиши шубҳасиз. Она тили ўқитувчиси ўқувчи-талабада она тилига муҳаббат туйғусини уйғота олмас, уни мустаҳкамлай олмас экан, у ўз бурчини бажара олмаган бўлади. Лекин бу ўқитувчининг ўзигагина боғлиқ эмас. Бунинг учун она тили ўқитувчилари, тилшунослар қўлида юқори савияда ёзилган, она тилига муҳаббат яққол кўзга ташланиб турадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳам бўлиш керак. Афсуски, бу борада ижобий фикр билдиришга қийналамиз. Бунинг сабаблари кўп. Биз ушбу мақолада ана шу масала билан боғлиқ айрим муаммолар тўғрисида, хусусан, ўзбек адабий тилини ўрганишга қаратилган айрим қоидалар, таърифлар хусусида фикр юритамиз.

Бизнинг назаримизда, кейинги йилларда дарслик, ўқув қўлланмаларда тилнинг энг муҳим алоқа воситачилик хусусиятини ўрганиш иккинчи-учинчи планга тушиб кетди. Асосий эътибор тилнинг ички тузилишига—фонемалар, лексемалар, фраземалар, граммемалар, синтаксемалар таҳлиliga қаратилди. Бунда грамматика, грамматик категориялар бош тадқиқ ва таҳлил объектига, грамматик тавсиф етакчи таҳлил усулига айланди.

Формал-функционал таҳлил усули юзага келиши ва мустаҳкамланиб ривожланиши билан грамматик тавсиф янада чуқурлашиб, такомиллашди, ўзининг юқори даражасига кўтарилди. Бироқ шу билан бирга, у ниҳоятда мураккаблашиб, тушуниш, ўзлаштириш қийин бўлган назарияга айланиб қолаётгандек. Уларда онг ва тил бирлиги тамойили деярли эсга олинмайди. Тил бирликларининг формал - функционал талқинларини амалда қисқа ва аниқ, лўнда ва содда қилиб тушунтириб бўлмайдиган ҳолат юзага келди. Уларнинг энг муваффақиятлиси ҳам изоҳталаблиги билан характерланади. Чунки уларда тилнинг онг билан узвий алоқаси ҳисобга олинмаган бўлиб, тор доирадаги мутахассислар тушунадиган грамматик термин ва терминологик маънолар асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, ҳаммамизга таниш гапнинг формал- функционал таърифига эътибор берайлик. Кесимлик курсив категорияси билан шаклланган атов бирлиги гап дейилади.

Бу ерда кесимлик курсив категорияси, атов курсив бирлиги терминларини изоҳсиз тушуниш қийин. Чунки бу терминлар орқали нималар назарда тутилаётгани, уларнинг маъно мундарижаси аниқ эмас. Шакл сўзининг кенг ва кўп маънолилиги ҳамда изоҳталаб “кесимлик категорияси” билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, таърифни тушуниш муаммоси борлиги ва уни ҳал қилмай туриб, таърифни ўзлаштириш мушкул эканлиги янада ойдинлашади.

Аслида мазкур таъриф грамматик жиҳатдан ҳам гапни тўлиқ тавсифлай олган дейиш қийин. Негаки, нутқда кесимлик категорияси билан шаклланмаган кўплаб атамалар ҳам ишлатиладики, улар ҳеч шубҳасиз, тўлиқ фикр ифодалайди, воқелик билан бевосита боғланиб, у тўғрисида муайян ҳукм билдиради. Атов гаплар, сўз-гаплар, вокатив гаплар каби синтактик қурилмалар шулар жумласидандир. Масалан: Куз. Эрта тонг. Мустақиллик майдони. Бахтиёр она ҳайкали. Қандай бахт! Йўқ. Асло. Хайр. Ассалому алайкум. Офарин ва ҳоказо.

Демак, бу ерда гап фақат кесимлик категориясида эмас экан. Гап бўлиш учун бирон-бир тил бирлиги гапга хос интонация-тугалланган оҳанг билан айтилиши, ундан сўнг гапга хос тўхтам-пауза, интонацион ҳукмий таъкид бўлиши лозим. Гапга хос тугалланган оҳанг-интонацион ҳукмий таъкид, номинатив бирликлардан кейин (ёки олдин) келадиган синтактик қуршов ҳар қандай тил бирлигини гапга айлантиради ва гапнинг юзага келишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

